

TEMIRYÖLÇI

ÖZBEKISTON TEMIRYÖLÇILARINING GAZETASI

Temir yöllar mamlakatimiz iqtisodiyotining qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan çiqa boşlagan

2026-yil • 5-noyabr • payşanba • № 43 (6623)

САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИДА 1994-2026 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

1994 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясини тузиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

* * *

1995-2000 йилларда 342 километрлик “Навоий – Учқудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус” йўналиши бунёд этилди. Лойиҳа доирасида Амударё узра темир йўл ва автомобиль ўтишига мўлжалланган қўшма кўприк қурилди.

* * *

2001 йилда Марказий Осиёда ягона бўлган “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамияти ташкил килиниб, ушбу корхонада бугунги кунгача 16 турдаги йўловчи ва махсус техник хизмат кўрсатиш вагонларининг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

* * *

2002 йилда янги барпо этилган “Учқудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус” темир йўли бўйлаб илк йўловчи поезди ҳаракатланиб, “Қўнғирот” станциясига етиб келди.

* * *

2003 йил “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси янги тузилмавий таркибда: 5 та минтақавий темир йўл узели ва 2 та унитар корхона билан иш бошлади.

* * *

2004 йил “Тошкент – Самарқанд” йўналишида “Регистон” тезюрар поездининг доимий қатнови йўлга қўйилди.

* * *

2005 йил ОПМС-203 (Тажрибавий йўл машина станцияси) базасида Махсус механизациялашган йўл станцияси (СПМС) ташкил этилди.

* * *

2006 йил “Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон” янги темир йўлининг 806-пикетида жойлашган, узунлиги 278 метр ва баландлиги 48 метр бўлган кўприкдан биринчи поезд юриб ўтди.

* * *

2007 йилда мамлакатимизнинг жанубий вилоятларини бошқа ҳудудлар билан боғлаш мақсадида, тоғли ва ўта мураккаб шароитлардан ўтувчи 223 километрлик “Тошғузор – Бойсун – Қумқўрғон” темир йўл линияси фойдаланишга топширилди.

* * *

2008 йилда Тошкент ва Қарши шаҳарлари ўртасида “Nasaf” тезюрар поездининг мунтазам қатнови бошланди.

* * *

2009 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Испаниянинг “Patentes Talgo S.L.” компанияси ўртасида истиқболли ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

* * *

2010 йилда ўзбекистонлик темирйўлчилар томонидан Афғонистон тарихидаги илк инфратузилмавий лойиҳа – узунлиги 75 километр бўлган “Ҳайратон – Мозори Шариф” темир йўли линиясининг қурилишига старт берилди.

* * *

2011 йилда юртимизга Испаниядан биринчи юқори тезликда ҳаракатланувчи замонавий “Afrosiyob” электропоезди олиб келинди ва дастлаб Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарлари ўртасида мунтазам қатнови йўлга қўйилди.

* * *

2012 йилда пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида қад ростлаган замонавий ва муҳташам кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Шу куннинг ўзидаёқ 40 та темирйўлчи оиласи янги хонадонларга кўчиб ўтди.

* * *

2013 йилда Фарғона водийсини пойтахт ва бошқа вилоятлар билан боғловчи стратегик аҳамиятга эга “Ангрен – Поп” темир йўл линиясининг қурилиши бошланди.

* * *

2014 йилда “Мароқанд – Қарши” ва “Қарши – Термиз” темир йўл участкаларини электрлаштириш лойиҳаси доирасида Хитойнинг “CNTIC-EEB” консорциуми билан шартнома имзоланди. Келишувга кўра, зарур тортиши подстанциялари ҳамда алоқа тармоғи пунктларини қуриш, ускуналарни етказиб бериш ва эксплуатация қилиш кўзда тутилган.

“ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ” БАЙРАМИ ОЛДИДАН БИР ГУРУҲ ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Жорий йилнинг 4 ноябрь куни “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни байрамига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарорига биноан ташкил этилган ушбу анжуманда тизим тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган илғор ходимлар иштирок этди.





Тадбирда дастлаб Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Қутлимурат Сабиров сўзга чиқиб, темир йўл тизимининг ижтимоий соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни юқори баҳолади. У ўз нутқида корхона ва ташкилотлардаги касаба уюшма қўмиталари мутахассисларининг ўрни беқиёс эканлигини алоҳида эътироф этди. Шундан сўнг, Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи Даврон Сабиров ҳам йиғилганларни касб байрами билан қутлади.

– Давлатимиз раҳбари томонидан касаба уюшмалари аъзолари тимсолида бутун халқимизга яна бир байрам кунини тақдим этиш ташаббуси илгари сурилгани катта воқеа бўлди, – деди Қ.Сабиров. – Бу нафақат касаба уюшма ходимлари, балки юртимизнинг барча меҳнаткашлари ва ишчи-ходимларига кўрсатилган юксак эътибордир. Бу янгилик “Инсон қадри учун” деган улуғвор, инсонпарвар ғоянинг ҳаётимиздаги яна бир гўзал амалий ифодаси ҳисобланади.

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаларида яхши бир анъана йўлга қўйилган. Бу – йил сарҳисоби. Унда ўзининг фидокорона меҳнати билан Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшган, касаба уюшма ташкилотлари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шерикчиликни мустаҳкамлаган ҳамда тармоқ миқёсидаги иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларда фаол иштирок этган энг ташаббускор инсонлар меҳнати эътироф этилади.

Давоми 2-бетда

ТИББИЁТ ТАРАҚҚИЁТИ

МАРКАЗИЙ КЛИНИК КАСАЛХОНАСИ:

СОҒЛИҚНИ ТИКЛАШ УЧУН ЭНДИ ХОРИЖГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҲАМДА “ТЕМИР ЙЎЛ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ РАҲБАРИЯТИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАРКАЗИЙ КЛИНИК ШИФОХОНАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ. МУАССАСА ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ НАТИЖАСИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ЭНГ РАҚОБАТБАРДОШ КЛИНИКАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.



Жарроҳлик бўлимига янги олиб келинган инновацион технологиялар ва замонавий хирургик даволаш усулларининг татбиқ этилиши туфайли беморлар оқими кескин кўпайди. Эътиборлиси, бу ерга нафақат темирйўлчилар ва республикамизнинг турли ҳудудларидан келаётган юртдошларимиз, балки қўшни давлатлар ҳамда узоқ хориждан келувчи беморлар ҳам тез-тез мурожаат қилмоқда.

Шифохонанинг асосий устунлиги – бу ерда юртимиздаги энг тажрибали, ўз касбининг етук намояндалари бўлган олимлар ва профессор-шифокорлар фаолият юритаётганидадир. Энг мураккаб операцияларнинг муваффақиятли ўтказилиши туфайли кўплаб юртдошларимиз чет элга бориб, катта маблағ сарфлаб даволанишдан кўра, ушбу шифохонада бир неча баробар арзон нархда сифатли тиббий ёрдам олишни афзал кўришмоқда.



Марказий клиник шифохонаси бош жарроҳи, Тошкент тиббиёт академияси Хирургик касалликлар кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори Илҳом Хайитов — замонавий тиббиёт ютуқларини амалиётга фаол татбиқ этаётган юқори малакали мутахассислардан бири. Яқинда ушбу олим-шифокор томонидан нафақат мамлакатимизда, балки дунё тиббиётида ҳам кам учрайдиган ўта мураккаб жарроҳлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди.

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидаги корхоналардан бирида меҳнат қилаётган ходим қорин бўшлиғидаги кучли оғриқ билан шифохонага мурожаат қилади. Мутахассислар замонавий тиббий жиҳозлар ёрдамида беморни шу куннинг ўзида кўрикдан ўтказиб, зудлик билан жарроҳлик амалиётини бажариш зарурлиги ҳақида хулоса беришади.

Профессор И.Хайитов бошчилигидаги гуруҳ ушбу беморда жарроҳлик амалиётини муваффақиятли ўтказади. Эътиборлиси, операция жараёнида беморда шу пайтгача Ўзбекистон клиникаларида кузатилмаган ноёб касаллик аниқланади. Яъни, қорин ва ўпка бўшлиғини ажратиб турувчи парда (диафрагма) йўқлиги сабабли ошқозон қисми ўпка ҳамда юрак соҳасига (перикардга) ўсиб, сурилиб кетган эди.

Давоми 2-бетда

“ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ” БАЙРАМИ ОЛДИДАН БИР ГУРУҲ ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Тадбирда ана шундай фидойи ходимларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Қайд этиш жоизки, ушбу байрам муносабати билан йилнинг энг фаол ва энг илғор деб топилган бутун республика бўйича жами 200 нафар ходим пул мукофотига лойиқ кўрилган бўлиб, уларнинг бир гуруҳи пойтахтдаги тадбирга таклиф этилди ва уларга Республика Кенгашининг 1 миллион сўмлик пул мукофотлари тантанали равишда топширилди. Шунингдек, 50 нафар фаолга фахрий ёрлиқлар топширилди ҳамда тармоқ ривожига муносиб ҳисса қўшган нафақадаги 60 нафар фахрий темирйўлчининг ҳар бири 1 миллион сўмдан пул мукофоти билан сийланди.



Темир йўл тармоғи мураккаб технологик жараёнлардан иборат бўлгани боис, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси масалалари алоҳида ва доимий назорат остида туради. Шу муносабат билан тадбир доирасида “Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид Республика кўрик-танловининг 2-босқич якунлари” ғолиблари ҳам тантанали равишда тақдирланди. Ғолибларга тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгашининг дипломлари ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Байрам тадбири якунлангач, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди ва унда галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Лола МЕРГАНОВА,
Республика Кенгаши
Маданий-маърифий ва спорт
ишлари бўлими мудири

■ СПОРТ

Самарқанд вилояти Шахмат федерацияси биносида 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни байрами муносабати билан спортнинг шахмат тури бўйича “Шахмат-2026” – “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали очиқ биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР “ШАХМАТ-2026” МУСОБАҚАСИДА ИШТИРОК ЭТИШДИ



Мазкур турнирда “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги корхона ва ташкилотлардан 100 нафар ишчи-ходим билан бир қаторда, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ташкилий бўлим мудири Ж.Садиев ҳам иштирок этди.

Қизиқарли ва ўта муросасиз курашларга бой бўлган мусобақа якунларига кўра, совринли ўринлар қуйидагича тақсимланди:

• 1-ўрин: “Тинчлик” локомотив депоси машинист-мураббийи Учқун Зиётов;

• 2-ўрин: Зиёвуддин темир йўл масофаси темир йўл тўсиқлари қўриқчиси Адҳам Рўзиқулов;

• 3-ўрин: Навоий сигналлаштириш ва алоқа масофаси электромеханиги Актам Рўзиқулов.

Мусобақа сўнгида ғолиблар ва барча фаол иштирокчилар Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари ҳамда пул мукофоти билан тантанали равишда тақдирланди.



■ САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИДА 1994-2026 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

2015 йилда “Мароқанд – Қарши” темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари тўлиқ якунланди.

* * *

2016 йилда “Ангрен – Поп” темир йўл линияси очилди.

* * *

2016 йилда “Самарқанд – Бухоро” темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари якунланиб, “Бухоро” вокзалига юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” электропоездининг мунтазам қатнови йўлга қўйилди.

* * *

2017 йил умумий узунлиги 325 километр бўлган “Қарши – Термиз” темир йўл линияси тўлиқ электрлаштирилиб, ушбу йўналишда электровозлар ҳаракати йўлга қўйилди.

* * *

2017 йил умумий узунлиги 335 километрдан иборат бўлган “Бухоро – Мискин” янги темир йўл линияси расман фойдаланишга топширилди.

* * *

2017 йил 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 13-ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.

* * *

2019 йилда Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент ер усти метрополитенининг Сергели йўналиши ҳамда ер ости метросининг Юнусобод йўналишида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечириб, қурилиш жараёнлари ва йўловчилар учун режалаштирилаётган шароитлар билан танишди.

* * *

2020 йил Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида Оҳангарон шоссеси ва Маҳтумқули кўчаси кесишмасидаги темирйўлчилар томонидан қурилган йўл ўтказгични кўздан кечирди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига асосан тақдирланганлар орасида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва корхоналарида фаолият кўрсатаётган 73 нафар темирйўлчининг борлиги ҳар биримизда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

МАРКАЗИЙ КЛИНИК КАСАЛХОНАСИ: СОҒЛИҚНИ ТИКЛАШ УЧУН ЭНДИ ХОРИЖГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Шифокор томонидан тезкор ва тўғри қарор қабул қилиниб, дунё миқёсида кам учрайдиган ушбу нуқсон махсус тиббий сеткалар ёрдамида пластика қилинди. Беморни узоқ йиллар давомида қийнаб келган жиддий хасталик қисқа дақиқалар ичида бартараф этилди. Энг ҳайратланарлиси, операция анъанавий усулда бемор танасини кесган ҳолда эмас, балки замонавий эндоскопик аппаратлар ёрдамида, чандиқларсиз (кам инвазив усулда) бажарилди. Операциядан сўнг шифокорлар назоратида бўлган темирйўлчи 5-6 кун ичида тўлиқ соғайиб, уйига жўнатилди.



– “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбариятининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши туфайли клиникамизга энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Бу эса юқори технологик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имкониятларимизни кенгайтирди, – дейди И.Хайитов. – Натижада юртдошларимизнинг шифо излаб хорижга бориши кескин камайди. Аксинча, чет эллик беморларнинг бизга мурожаат қилиши ортиб, тиббиёт туризми ривожланмоқда. Яқинда бажарган мураккаб операциямиз — юрак соҳаси ва диафрагмадаги туғма нуқсонни бартараф этиш амалиётини илгари клиникамизда қилиш имконсиз эди. Бугунги кунда темир йўл шифохоналарида хирургия ва бошқа йўналишлар жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Ишонч билан айта оламанки, айрим соҳаларда ривожланган давлатлар клиникаларидан ўтиб кетдик.

Таъкидлаш лозимки, айни пайтда клиникада нафақат умумий хирургия, балки юқори технологик травматология, урология, гинекология ва микрохирургик пластик жарроҳлик йўналишларида ҳам ноёб операциялар муваффақиятли йўлга қўйилган. Энг муҳими, бундай мураккаб амалиётлар темир йўл шифохоналарида ишончли ва ҳамёнбоп нархларда амалга оширилмоқда. Илгари юртдошларимиз бундай операциялар учун Германия, Туркия ва Ҳиндистон каби давлатларга бориб, жуда катта маблағ сарфлаган бўлсалар, ҳозирда “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти тасарруфидаги шифохоналарга бемалол мурожаат қилишлари мумкин.

Тизимда фаолият юритувчи темирйўлчилар учун бу каби тиббий амалиётлар мутлақо бепул, аҳоли учун эса ҳамёнбоп ва чегирмали нархларда, юқори сифат ва кафолат билан бажарилади.

Рустам ҲАЙДАРОВ

■ ТАШАККУРНОМА

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУБОРАК БЎЛСИН, ФИДОЙИ ТЕМИРЙЎЛЧИ ШИФОКОРЛАР!

ҲУРМАТЛИ ВА АЗИЗ “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАРКАЗИЙ КЛИНИК ШИФОХОНАСИ ШИФОКОРЛАРИ, ҲАМШИРАЛАРИ ВА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ!



Сизларни қутлуғ касб байрамингиз – Тиббиёт ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман!

Шифокорлик – дунёдаги энг улуғ ва масъулиятли касблардан бири. Бемор манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш ушбу соҳанинг энг олий ва ўзгармас қоидасидир. Бугун Марказий клиник шифохонада ана шу олтин қоидага ҳар куни амал қилаётган, ўз касбини севиб, фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар фаолият юритаётгани биз, фахрийлар учун юксак ғурур манбаидир.

Шифохона директори Илҳом Янгибоев ва бош шифокор Нигора Оллаберганова раҳбарлигида аҳил жамоа беморлар саломатлиги ва инсон ҳаётини асраш йўлида ҳар куни толмай, сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Бугун ушбу қутлуғ айёмда кўп йиллик фидокорона хизматлари билан танилган соҳа фидойиларини алоҳида эътироф этишни истардим. Хусусан, бош шифокор ўринбосари Матлюба Шерматова 25 йилдан ортиқ вақт мобайнида аввал хирург, кейинчалик бош жарроҳ сифатида самарали фаолият кўрсатди. Бугунги кунда эса шифохона бошқарувида катта масъулиятни зиммасига олиб, ўзининг бой тажрибаси ва жонкуярлиги билан ёш мутахассисларга ҳақиқий ибрат мактаби бўлмоқда.

Интенсив терапия бўлими раҳбари, тажрибали реаниматолог-кардиолог Лидия Хван ва унинг жамоаси энг оғир дақиқаларда беморларни ҳаётга қайтариш учун туну кун курашадилар. Жарроҳлик бўлими бошлиғи, моҳир хирург Жавлон Оллаберганов ва унинг ҳамкасблари эса ёзнинг жазирама иссиғида ҳам, қишнинг аёзида ҳам, эртаю кеч, керак бўлса тунги навбатчиликларда беморлар ёнидан бир лаҳза бўлса-да узоқлашмайдилар. Бундай юксак садоқат ва фидойиликни ҳар қанча таҳсинга лойиқ деб билсак арзийди.

Азиз ва муҳтарам шифокорлар, меҳридарё ҳамширалар! Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, машаққатли ва шарафли меҳнатингизда янги-янги зафарлар тилайман. Қўлингиз ҳамиша енгил, илмингиз зиёда бўлсин, даволаётган беморларингиз тезроқ соғайиб, оиласи бағрига қайтсин!

Касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз шифокорлар ва тиббиёт ходимлари!

Ҳурмат билан,

Зумрад МАҲМУДОВА,
нафақадаги темирйўлчи

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ ШИФОКОР!

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКАСИНИНГ ЭШИГИДАН КИРАР ЭКАНСИЗ, ҲАМИША ЮЗИДА ИЛИҚ ТАБАССУМ ВА НИГОҲИДА ЧЕКСИЗ МЕҲР БИЛАН БЕМОРЛАРНИ КУТИБ ОЛУВЧИ ОҚ ХАЛАТЛИ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ УЧРАТАСИЗ.





Бу инсонлар ўз касбини ҳаётининг мазмунига айлантирган тажрибали шифокор ва ҳамширалардир. Уларнинг чеҳрасида беморларга умид берувчи илиқлик, қўлларида эса йиллар давомида чиниққан маҳорат ва шифо яширин.

Темир йўл тизимидаги шифокорлик – бу шунчаки касб эмас, балки туну кун сергаклик, темир интизом ҳамда масъулиятли меҳнат талаб этадиган соҳалар сирасидан.

Бугунги қаҳрамонимиз Клара Исмаилова ҳам шифокорлик халатини кийган кундан бошлаб, беморлар дардини ўз дарди деб билади. Клара Жантиевнанинг кўригидан ўтиб, шифо топаётган инсонларнинг самимий табассуми қаҳрамонимиз ҳаётининг асл мукофотига айланиб улгурган.

У ўттиз йилдирки, нафақат поликлиникада, балки тизим тасарруфидаги “Ўзтемирйўлмаштаъмир” ҳамда “Қуюв-механика заводи” акциядорлик жамиятларида меҳнат қилиб келаётган темирйўлчилар саломатлиги йўлида камарбаста бўлиб келмоқда.

– Марказий поликлиника – бу минглаб соҳа ходимларининг соғлиғи биз, шифокорларга “омонат” қилиб топширилган саломатлик масканларидан, – дейди умумий амалиёт шифокори Клара Исмаилова. – Оқ халат кийган ҳар бир шифокор, темир йўл тизимининг энг ишончли посбони, қолаверса, ўз касбининг ҳақиқий фидойиларидир. Шифокорларимизнинг ҳузурига дард билан келган бемор шифо топмай қайтган эмас. Аксинча, дардидан холос бўлиб, соғайиб кетган инсонларнинг тилида шукроналик, қўллари эса ҳамиша дуода бўлади. Беморларнинг кўзларидаги қувонч ва қалбидан қилган дуолари бизга кўтаринки руҳ ҳамда касбимизга бўлган садоқат туйғусини оширади.

Темир йўл тизимидаги рельслар узоқ-узоқ манзилларни бирлаштирганидек, бу фидойи шифокор ҳам ўзининг етук билими, бой тажрибаси ва дардларга малҳам бўлгувчи меҳри билан юзлаб қалбларни қувончга тўлдирмоқда.

Клара Жантиевнанинг ана шундай ибратли ҳаёт йўли, касбига бўлган садоқати ва инсонпарварлик хислатлари уни юксак эътирофга сазовор этди. У темирйўлчилар касб байрами арафасида соҳадаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда тажрибали шифокор сифатида “Фахрий темирйўлчи” кўкрак белгиси билан тақдирланди. Унинг кўксидаги мазкур шарафли белги шунчаки мукофот эмас, балки у даволаган минглаб темирйўлчиларнинг чин дилдан қилган гўзал дуоларининг ижобатидир.

Бундан ташқари, у темир йўл раҳбарияти ҳамда корхона бошлиқлари томонидан бир нечта фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан ҳам мукофотланган.

– Бу кўкрак нишони менга фақат фахр эмас, балки янада катта масъулият бағишлади, – дейди Клара Исмаилова. – Поездлар хавфсизлиги ортида қанчалик машаққатли меҳнат ётса, ҳайбатли локомотивларни бошқараётган ҳамда ҳаракат таркиби ва рельсларни таъмирлаётган темирйўлчилар соғлиғини асраш ҳам шунчалик шарафлидир. Менга ушбу юксак унвонни раво кўрган раҳбариятимиздан, қолаверса, доимо қўллаб-қувватлаб келаётган ҳамкасбларимдан ва оиламдан чексиз миннатдорман. Ҳаётимни темир йўл соҳасига бағишлаганимдан ҳеч қачон афсусланмайман. Бундан кейин ҳам зиммамдаги масъулиятни англаган ҳолда темирйўлчиларнинг саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилишда давом этаман.

Пўлат карвонлар ўз манзилига беталафот етиб бориши учун темир йўл соҳаси вакиллари қанчалик тер тўкишса, уларнинг олис сафарга чиқишидан тортиб, токи оиласи бағрига соғ-саломат қайтиши учун шифокорлар ҳам шунча масъулият билан меҳнат қилишади.

Клара Исмаилова ҳам узоқ йиллар давомида темирйўлчилар дардига малҳам бўлиб келмоқда. У тизим тасарруфидаги иккита йирик корхонада минглаб ишчи-ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш баробарида, уларда аниқланган касб касалликларининг олдини олишга жонбозлик кўрсатмоқда. Қолаверса, ўз касбининг фидойиси бўлган бу инсон юз нафардан ортиқ ёш мутахассисларга устозлик қилиб, тиббиёт соҳасида ўзига хос тажриба мактабини яратди. Унинг самимий суҳбати ва аниқ ташхиси кўплаб беморларнинг қисқа фурсатда соғайиб, оёққа туришига омил бўлмоқда.

Оилавий ҳаётда ҳам Клара опа турмуш ўртоғи Баҳодир ака билан биргаликда икки қизини билимли, зиёли, ўз касбига садоқатли ва эл корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялади. Бугунги кунда улар 4 нафар набиранинг суюкли бобо ва бувиси бўлишдек юксак бахтга эришишган. Оила аъзоларининг самимий сўзлари, меҳр тўла кўзлари ва набираларнинг шўхшодон кулгуси қаҳрамонимиз ҳаётининг асл мазмунидир.

Мухтасар қилиб айтганда, агар дунёда шифо топган ҳар бир беморнинг табассумидан бир чимдим бахт яратилса, ушбу қувончнинг энг катта улуши шифокорнинг оиласига тегишли. Клара опанинг эришган ютуқлари калити – бу уни доимо тушунадиган ва қўллаб-қувватлайдиган аҳил оиласидир.

Клара Исмоиловани келгуси фаолиятида омад ва зафарлар тилаган ҳолда, яқинлашиб келаётган Тиббиёт ходимлари куни ҳамда “Фахрий темирйўлчи” кўкрак белгисига сазовор бўлгани билан чин қалбдан муборакбод этамиз!

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИДА 1994-2026 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

2021 йилнинг 23 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Афғонистон халқига навбатдаги инсонпарварлик ёрдами юклари 63 та вагонда темир йўл орқали Балх вилоятининг Мозори Шариф шаҳрига етказиб берилди.

* * *

2022 йилнинг май ойида, муборак Рамазон – меҳр-мурувват ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Афғонистонга навбатдаги инсонпарварлик кўмаги юборилди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан ажратилган 58 та вагондан иборат махсус поездда Термиз шаҳридан қўшни давлатга 1 минг тонна ун, 2 минг тонна буғдой, 5 вагон гуруч, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда зарур дори-дармонлар жўнатилди.

* * *

2023 йил “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида темир йўл тармоғини ислоҳ қилиш ва ракамлаштириш дастури доирасида ташкил этилган янги Ахборот технологиялари – IT марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

* * *

2024 йил бошида Қорақалпоғистон Республикасини Хоразм вилояти билан боғлайдиган узунлиги 85 километрлик янги Шовот – Қораўзак темир йўл линияси ҳамда Амударё устидан ўтувчи 423 метрлик темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги фойдаланишга топширилди. Ушбу стратегик иншоотнинг очилиш маросимида Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

* * *

Давлатимиз раҳбари 2024 йилнинг 19 март куни Тошкент шаҳридаги “Қуюв-механика заводи” ҳамда “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятларига ташриф буюриб, ишлаб чиқариш қувватлари ва янги лойиҳалар билан танишди.

* * *

2024 йилда ҳудудларда ички туризмни ривожлантириш мақсадида “Наманган – Чодак – Наманган” шаҳарлараро поезди қатнови йўлга қўйилди.

* * *

2024 йил Пекин шаҳрида аср лойиҳаси ҳисобланган “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бўйича стратегик битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

* * *

2024 йилда Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда “Hyundai Rotem” компанияси ўртасида 6 та замонавий юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездни етказиб бериш бўйича тарихий шартнома имзоланди.

* * *

2024 йил 27 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти соҳанинг ҳуқуқий асосларини тубдан ислоҳ қилувчи янги таҳрирдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги 1006-сонли қонунни имзолади.

* * *

“Бухоро – Урганч – Хива” йўналишидаги узунлиги 465 километрга тенг бўлган темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси соҳа мутахассислари ва қурувчилари томонидан муваффақиятли якунланди.

* * *

2025 йилда “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятида маҳаллийлаштириш дастури асосида миллий бренд остидаги замонавий “Янги Ўзбекистон” номли йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

* * *

2025 йилда давлатимиз раҳбари янги барпо этилаётган “Самарқанд – Ургут” темир йўл линиясида олиб борилаётган ишлар билан танишди ва жамоатчилик вакиллари билан самимий мулоқот қилиб, янги поездда Ургут туманига борди.

* * *

2025 йилда узунлиги 55,4 километр бўлган “Самарқанд – Ургут” ҳамда 24 километрлик “Байтқўрғон – Паркент” янги темир йўллари қуриб битказилди.

* * *

2026 йилда Президент Шавкат Мирзиёев янги “Жалолиддин Мангуберди” юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездида Самарқанд шаҳрига ташриф буюриб, ушбу транспорт воситасининг йўловчилар учун яратилган шинамлик ва қулайликлари билан яқиндан танишди.

* * *

2026 йилда давлатимиз раҳбари Фарғона водийсида аҳоли узоғини яқин қилиш мақсадида йўлга қўйилган янги электропоездда “Кўқон – Марғилон” йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб, транспорт тизими сифатини кўздан кечирди.

ҚОНУН ИСЛОҲОТИ

ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЗАРУРИЯТИ

Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2026 йил 30 сентябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2026 йил 2 октябрда маъқулланган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, айниқса, зўравонликдан жабрланган вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида тизимли ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг Богота ҳаракатлар чақирувига қўшилиши, Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал альянсга аъзо бўлиши ҳамда 2026-2030 йилларга мўлжалланган миллий стратегиянинг тасдиқланиши ушбу йўналишдаги халқаро ва ички мажбуриятларнинг ижросини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.

Шу билан бирга, амалиётда вояга етмаганлар иштирокидаги процессуал ҳаракатларда уларнинг психологик ва юридик хавфсизлигини таъминлаш, боланинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноий қилмишлар учун жазо чораларини қатъийлаштириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини инсонпарварлик тамойиллари асосида қайта кўриб чиқиш зарурияти мавжуд эди. Мазкур мақолада янги қонун билан миллий қонунчилик тизимига киритилган туб ўзгартиришларнинг норматив-ҳуқуқий таҳлили баён этилади.

Шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларига вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси механизмларини, тазйиқ ва зўравонлик масалалари бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришни, қонунчиликнинг айрим қоидаларини ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг тугатилишига мувофиқлаштиришни, болага нисбатан зўравонлик содир этган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосини белгилашни, шунингдек зўравонликдан жабрланган ёки зўравонликка гувоҳ бўлган болаларни давлат ҳисобидан юридик ёрдам билан таъминлашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.



МАЗКУР МАҚОЛАДА ЯНГИ ҚОНУН БИЛАН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИГА КИРИТИЛГАН ТУБ ЎЗГАРТИРИШЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ БАЁН ЭТИЛАДИ.

ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИНГ КУЧАЙТИРИЛИШИ

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жиноий жазо тизимининг қатъийлиги ва муқаррарлигини таъминловчи принципиал ўзгартиришлар киритилди: узоқ муддатли ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси доираси кенгайтирилди, яъни Кодекснинг 50 ва 51-моддаларига киритилган ўзгартиришларга кўра, 14 ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш (118-модда тўртинчи қисми) ҳамда 14 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки унинг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш (119-модда тўртинчи қисми) жиноятлари узоқ муддатли (20 йилдан ортиқ, лекин 25 йилдан кўп бўлмаган) ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган оғир тоифадаги жиноятлар қаторига киритилди.

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР

Вояга етмаган иштирокчиларнинг (жабрланувчи ва гувоҳларнинг) ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва жисмоний психологик босим ҳолатларига чек қўйиш мақсадида Жиноят-процессуал кодексига янги ўзгартиришлар киритилди. Имтиёзли юридик ёрдам, яъни Кодекснинг 55 ва 66-моддаларига киритилган қўшимчаларга асосан, жинсий зўравонликка оид жиноят ишлари бўйича вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларга улар тегишли процессуал ҳаракатларга жалб этилган вақтдан эътиборан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштироки мажбурий тартибда таъминланади.

Жиноят иши бўйича вояга етмаган шахсга нисбатан унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийси, ҳомийси) томонидан зўравонлик содир этилган ҳолларда, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давридаги барча процессуал ҳаракатларда васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштироки шарт қилиб белгиланди (ЖПК 60, 121-моддалар).

Процессуал чекловлар: жинсий зўравонликка оид жиноят ишлари бўйича вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларни гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан юзлаштириш ҳаракати фақат асослантирилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими билан амалга оширилиши белгиланди (ЖПК 123-модда).

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларнинг соғлиғини муҳофаза қилишга оид нормалар сезиларли даражада санкциявий ва мазмуний жиҳатдан кенгайтирилди, шунингдек, ота-оналар ва масъул шахсларнинг жавобгарлигини оширилди.

Мазкур Кодекснинг 47-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, модданинг номи “тарбиялаш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, уларга ғамхўрлик кўрсатмаслик” деган сўзлар билан алмаштирилиб, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши ёки вояга етмаган болаларга ғамхўрлик кўрсатмаслик, яъни зарур имкониятлар, билим ва кўникмаларга, шу жумладан, бунинг учун тегишли хизматлардан (тиббий, таълим, ижтимоий ва бошқа хизматлардан) фойдаланиш имкониятига эга бўлган ота-оналар (улар ўрнини босувчи ёки болага қараб турган шахслар) томонидан қасддан уларнинг асосий эҳтиёжларини қаноатлантирмаслик вояга етмаган боланинг соғлиғи, жисмоний, ақлий ва ахлоқий ривожланиши бузилишига олиб келса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 10 бараваригача жарима солишга сабаб бўлиши мустаҳкамланди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, мазкур ислоҳотлар Ўзбекистонда ҳар бир боланинг зўравонликдан ҳоли хавфсиз муҳитда улғайиши, давлат ва қонуннинг қатъий ҳимоясида бўлишини кафолатлайди.

Шерзод ШОДМОНОВ,
ИИВ Транспорт ва туризм объектларида хафсизликни таъминлаш департаменти Тергов бошқармаси ЎМИБ терговчиси

САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИДА 1994-2026 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

2026 йилда Президент Шавкат Мирзиёев “Тошкент – Бекобод” темир йўл йўналишида қатнови йўлга қўйилган, соатига 120 километргача тезликда ҳаракатланиш имкониятига эга янги электропоездда Бекобод шаҳрига ташриф буюрди.

* * *

2026 йил бошида замонавий, юқори тезликда ҳаракатланувчи “Жалолиддин Мангуберди” электропоездларига техник хизмат кўрсатиш маркази ишга туширилди.

* * *

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли қурилиши амалий босқичга ўтди. Лойиҳа доирасида ўзбекистонлик темирйўлчилар томонидан қўшни Қирғизистон ҳудудида 46 километрлик темир йўл участкасини барпо этиш ишлари бошланди.

* * *

2026 йилда “Навоий – Бухоро” иккинчи юқори тезликдаги электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши якунланди. Лойиҳа доирасида Бухоро – Хива ҳамда Бухоро – Навоий участкаларида жами 166,4 километрлик темир йўл тармоғи тўлиқ электрлаштирилди.

* * *

2026 йилда “Урганч” вокзалидан “Урганч” аэропортигача бўлган узунлиги 10 километрдан ортиқ янги электрлаштирилган темир йўл линияси барпо этилди.

ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

УМР ПОЕЗДИ ВА ҚАЛБГА ЯҚИНЛАРИМИЗ...

Инсон ҳаёт йўлини ёлғиз кечмайди,
Унинг ҳақиқий йўлдоши – қалбга яқинларидир”.

Шарқ ҳикмати

* * *

Биз ҳеч қачон ҳақиқий яқинларимизни йўқотмаймиз. Чунки улар ҳаётдан кетмайди – фақат кўзларимиздан пинҳонда бўлади.

* * *

Ҳаёт – охират манзилига кетаётган улкан поезд каби. Биз турли вагонларда бўлсак ҳам, ҳаммамиз битта йўналишда ҳаракатдамиз.

* * *

Баъзан қўшни вагондагиларни кўрмаймиз, улар билан суҳбатлаша олмаймиз, улар нима билан машғул эканини ҳам билмаймиз. Аммо бу – улар йўқ дегани эмас, улар ҳам биз билан бирга сафарда.

* * *

Ҳаёт шу поезднинг турли вагонларида кечади: гоҳо бирга ўтирамиз, гоҳида ажралиб кетамиз. Аммо борар манзилимиз битта – Охират бекати.

* * *

Бу қисқа умр йўлида биргина кўнгилни обод қилиш ҳам умр сонияларини бежиз кетказмаганлик нишонасидир. Зеро, кўнгил обод қилиш – гўзал хулқ ва қалб поклигидан дарак.

* * *

Атрофимиздаги яқинларимиз, ёру дўстларимиз – умр аталмиш сафаримиздаги йўлдошларимиздир. Уларни биз “яқинлар” деб атаймиз, чунки улар фақат танамизга эмас, қалбимизга ҳам яқин инсонлардир.

* * *

Ҳар бир инсон ўз яқинини авайлаб, қалбларни асраб яшаса, ҳаёт гўзал, баракали ва мазмунли бўлади.

* * *

Ҳар бирингизнинг умрингиз қалбингизга яқинлар қуршовида гўзал кечсин.

Фазлиддин ИЛҲОМОВ

СУҲБАТ

ДИЛФУЗА ИСКАНДЖОНОВА:

“БОЛАЖОНЛАР САЛОМАТЛИГИ ОТА-ОНАЛАР УЧУН КАТТА БАХТ”



“ТЕМИР ЙЎЛ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАР” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАСАРРУФИДАГИ “ЙЎЛ БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИ” ФИЛИАЛИ БОШ ШИФОКОРИ ДИЛФУЗА ИСКАНДЖОНОВА КЎП ЙИЛЛИК САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ, ХУСУСАН, БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИГА ҚЎШГАН МУНОСИБ ҲИССАСИ УЧУН БИР ҚАТОР ДАВЛАТ ВА ХАЛҚАРО МУКОФОТЛАРГА САЗОВОР БЎЛДИ.

Дилфуза Исканджонова кўп йиллик самарали фаолияти, соғлиқни сақлаш тизими, хусусан, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасига қўшган муносиб ҳиссаси учун “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 35 йиллиги” кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Шунингдек, у Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги миқёсидаги Халқаро илмий академия томонидан “Буюк хизмат – олий шараф” халқаро эсдалик нишонига сазовор бўлган. 2026 йил 24 сентябрь куни эса Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган нуфузли халқаро тадбир доирасида “Дўстлик шарафи” кўкрак нишони билан мукофотланди.

Яқинлашиб келаётган Тиббиёт ходимлари куни арафасида тажрибали бош шифокор билан соҳадаги янгиликлар ва тизимдаги ижобий ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашдик.

– Дилфуза опа, тиббиёт ходимлари кунини сиз ва сизнинг жамоангиз қандай кайфиятда кутиб олмоқда?

– Тиббиёт ходимлари куни — бу нафақат касб байрами, балки инсон саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча жонкуяр шифокор ва ҳамшираларнинг машаққатли хизматига бўлган юксак ҳурмат ҳамда давлат даражасидаги эътироф ифодасидир. Биз ушбу айёмни жамоамиз билан жуда кўтаринки руҳда ва пухта тайёргарлик билан кутиб олмоқдамиз. Йил давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз ва шифохонамизда олиб борилаётган кенг кўламли янгиланишлар бизга янада куч бағишлайди.

Байрам муносабати билан ходимларимиз учун тантанали тадбир ташкил этишни режалаштирганмиз. Бу кеча тиббиёт ходимларига байрамона кайфият улашиш, уларнинг меҳнатини қадрлаш ва жамоамиздаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Менинг назаримда, тиббиётдаги энг катта бахт — бу даволаниб, соғлом ҳаётга қайтган болажонларнинг қувончи, ота-оналарнинг миннатдорчилиги ва беморнинг шифокорга бўлган чексиз ишончидир. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни касб байрами билан самимий табриклайман. Уларнинг хонадонига тинчлик-хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли фаолиятларида улкан зафарлар тилаб қоламан.

– Ҳозирги вақтда шифохонага қайси турдаги болалар касалликлари билан кўпроқ мурожаатлар тушмоқда?

– Куз-қиш мавсумида болалар орасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) ва юқори нафас йўллари хасталиклари бўйича мурожаатлар сони ортади. Жумладан, ринит, фарингит, тонзиллит, ларингит, бронхит ва пневмония каби касалликлар кўп учрамоқда. Шу билан бир қаторда, ошқозон-ичак, асаб ва юрак-қон томир тизимлари, буйрак ҳамда нафас олиш аъзоларининг сурункали хасталиклари билан оғриган болалар ҳам касалхонамизда даволанишмоқда.

Бизнинг бош вазифамиз — ҳар бир болага ўз вақтида тўғри ташхис қўйиш, даволашни самарали ташкил этиш ва касалликнинг эҳтимолий асоратларини олдини олишдир. Бунинг учун шифохонамизда барча замонавий имкониятлар яратилган. Юқори технологик лаборатор ва инструментал текширувлар, тор соҳа мутахассисларининг хулосалари ҳамда мураккаб ҳолатларда тажрибали шифокорлар иштирокида консилиумлар ташкил этилади. Болаларда хасталикни эрта аниқлаш, тўғри даволаш йўналишини танлаш ва ҳар бир беморга индивидуал ёндашиш — фаолиятимизнинг бош мезонидир.

– Мутахассисларнинг малакаси ва тажрибаси бугунги давр талабларига қай даражада жавоб бермоқда?

– Бугун тиббиёт соҳаси шиддат билан ривожланмоқда. Замонавий тиббиёт шифокордан нафақат катта тажриба, балки доимий изланиш, янги билимларни ўзлаштириш ва ўз малакасини мунтазам ошириб боришни талаб этади. Касалхонамизда ўз касбига садоқатли, юқори малакали мутахассислар жамоаси шаклланган. Шифокорларимизнинг аксарияти олий ва биринчи малака тоифаларига эга. Жамоамизда тиббиёт фанлари бўйича PhD илмий даражасига эга 2 нафар шифокорнинг борлиги клиникамизнинг юксак илмий салоҳиятидан далолат беради.

Мутахассисларимиз нафақат республикамизда, балки хорижий давлатларда ҳам малака ошириб, энг илғор диагностика ва даволаш усулларини амалиётга татбиқ этмоқдалар. Масалан, жорий йилнинг июль ойида неврологимиз Ч.Абдуллаева Туркия Республикасида ўз малакасини ошириб қайтди. Бундай халқаро тажриба алмашинувлари янги тиббий ёндашувларни ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга. Менинг ишончим комилки, малакали мутахассис, замонавий технология ва беморга меҳр билан ёндашув бирлашгандагина тиббий хизмат сифати юксак босқичга кўтарилади.

– Хорижий шифохоналар ва етакчи тиббиёт университетлари билан қандай ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган?

– Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш касалхонамиз фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Яқинда Истанбул шаҳрида ўтказилган “Дўстлик шарафи” халқаро конгрессида иштирок этиб, “Болалар саломатлиги — келажак пойдевори” мавзусида маъруза қилдим. Ўзбекистон ва Туркия мутахассислари қатнашган бу каби анжуманлар илғор тажрибаларни ўрганиш учун кенг имконият яратади.

Шунингдек, касалхонамиз Кимё халқаро университетининг Педиатрия кафедраси билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Кафедра профессор-ўқитувчилари билан биргаликда бемор болаларни кўрикдан ўтказамиз, мураккаб клиник ҳолатларда консилиумлар ташкил этамиз. Бунинг натижасида ҳам беморларимиз, ҳам шифокорларимиз етакчи олимларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишмоқда. Келгусида ҳам ушбу илмий-амалий алоқаларни кенгайтиришни мақсад қилганмиз.



– Темирйўлчилар ва аҳоли вакилларига тиббий хизмат кўрсатиш тартиби қандай ташкил этилган?

– Касалхонамиз темир йўл тизимидаги ихтисослашган ягона болалар тиббиёт муассасаси ҳисобланади. Асосий вазифамиз — темирйўлчиларнинг фарзандларига ҳамда белгиланган тартиб асосида аҳоли вакилларига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишдир. Жорий йилда моддий-техник базамизни мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар бажарилди. Хусусан, янги биокимёвий лаборатория ташкил этилиб, ҳозирда 35 турдаги кўрсаткичлар бўйича юқори аниқликдаги текширувлар ўтказилмоқда. Биринчи қаватдаги лаборатория хоналари тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

ЛОР хонаси замонавий ЛОР-комбайн, стоматология ва офтальмология хоналари эса янги авторефрактометр, тирқишли лампа ҳамда проектор каби сўнгги русумдаги ускуналар билан таъминланди. Шунингдек, янги электрокардиограф (ЭКГ), электроэнцефалограф (ЭЭГ), озонатор ҳамда марказий стерилизация бўлими учун замонавий автоклав харид қилинди. Ҳозирда ЭКГ, ЭЭГ, ЭНМГ, рентген ва УЗИ текширувлари тўлиқ рақамлаштирилган тизимда йўлга қўйилган.

Беморлар учун биринчи қаватда халқаро талаблар асосида жиҳозланган янги учинчи соматика бўлими ташкил этилди. Палаталар кондиционер, музлаткич ва барча зарур маиший жиҳозлар билан таъминланди. Куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилиб, иситиш тизими тўлиқ янгиланди. Энг муҳими, шошилинч ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ЛОР шифокорлари, стоматологлар ва педиатрларимиз 24 соат давомида, кечаю кундуз навбатчилик асосида тезкор тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Клиникамизнинг энг катта бойлиги — бу унинг фидойи ходимларидир. Биз ота-оналар ишончини оқлаш ва болажонларимизнинг шифо топиши йўлида сидқидилдан хизмат қилишда давом этамиз.

Болалар темир йўл касалхонасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш мақсадида кўплаб замонавий тиббий жиҳозлар ва сўнгги русумдаги ускуналар харид қилинди.

Ушбу хайрли ишлар ҳамда шифохонамиз ривожига қўшаётган беқиёс ҳиссаси учун “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти бош директори М.Мамасидиқовга “Йўл болалар касалхонаси” филиали директори С.Тожибоев ва муассаса жамоаси номидан самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Бундай юксак эътибор ва доимий қўллаб-қувватлаш тиббиёт муассасамиз имкониятларини янада кенгайтириб, бемор болажонларимизга юқори малакали, сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатишга хизмат қилади.

Аваз ОМОНОВ суҳбатлашди



МУАССИСЛАР:
“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Таҳрир кенгаши:
Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ғ.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ – Умида ТЎЙЧИБОЕВА
Саҳифаловчи – Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-1134 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Адади: 1200